

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 245 (10.550)

2005 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА САТРАДА

- **КЕЧА** 2-трамвай депосида «Маънавият ва маърифат» марказининг Учтепа туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбирда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг муҳим омиллари борасида ўзаро фикр алмашилди.
- **КЕЧА** Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида талабалар иштирокида «Интернет орқали дунёга танишув» мавзuida давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Яққасарой туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.
- **КЕЧА** Пахта тазалаш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳуқуқий саводхонлики оширишнинг аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.
- **ЎТГАН** куни Тошкент солиқ коллежида «Камолот» ЕИҲ Учтепа туман Кенгаши бўлими ташаббуси билан бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтди.
- **НИХОЛ** спорт мажмуасида спортнинг таъжовб тури бўйича ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги ўтказилди.
- **ТОШКЕНТ** темир йўллар муҳандислари институтида «Камолот» ЕИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан «СПИДга қарши кураш» мавзuida уюштирилган тадбирда Тошкент темир йўл касб-хунар коллежи, Тошкент темир йўллар муҳандислари институти қошидаги академик лицей ўқувчилари иштирок этишди.
- **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 90-мактабда «Олмазор», Гафур Фулом, «Гулобод» маҳаллаларида яшовчи тарбияси оғир, вояга етмаган болалар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларида бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.
- **ЎТГАН** куни Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда «ОИТСсиз келажак сари» мавзuida ўтказилган тадбир «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилди.
- **КЕЧА** Ҳўжаев номидаги Республика дизайн коллежи стадионида «Камолот» ЕИҲ Учтепа туман бўлими ташаббуси билан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари жамоалари ўртасида мини-футбол мусобақалари ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Пойтахти-миздаги мушташам «Ўзкўрғазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-санойат палатаси INTER-ATLAS Group кўрғазма компанияси билан ҳамкорликда «Ўзкўрғазмасавдо» очик акциядорлик жамиятининг расмий кўмаги остида «CENTRAL ASIA GARMENT TECH» МАРКАЗИЙ Осий текстиль, текстиль жиҳозлари ва технологиялари кўрғазмаси очилди.



### Кўрғазмалар

## ЗАМОНАВИЙ ТЎҚИМАЧИЛИК ЖИҲОЗЛАРИ

Кўрғазмада тўқимачилик жиҳоз ва ускуналари, эҳтиёт ва буловчи қисмлари ҳамда аксессуарларини ишлаб чиқариш билан фаол шугулланаётган 40га яқин Туркия давлатининг фирма ва компаниялари, Истамбул ва Бурса Савдо-санойат палаталари, ўзбек-турк УТ

кин, Республикаимиз етиштирилётган пахта миқдори бўйича дунёда олтинчи, пахта толаси экспорти бўйича эса иккинчи ўринда туради.


Кейинги йилларда мамлакат раҳбарияти етиштирилётган пахтанинг 50 фоизини ўзимизда қайта ишлаш вазифасини

намоиш этаямиз, — дейди «DEMIR Group» компаниясининг республикаимиздаги дистрибутори Дилара Сайфулина. — Ушбу жиҳозларни буюртмачи талабига кўра ўрнатиб ҳам берамиз. Албатта, компания мутасаддилари нафрат ускуналар сотилишидан манфаатдор, балки Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ривожига ҳисса қўшаётгандан ҳам мамнун бўлади.

— Худди шундай замонавий ускуналар билан жиҳозланган цехларимизда импорт ўрнини босувчи сифатли махсулот-дубларин ишлаб чиқараямиз, — дейди «TUNA-ТЕКТИЛЬ» Ўзбек-турк қўшма корхонаси директори ўринбосари Махаммад Шерматов. — Ушбу махсулотимиз тайёр кийимлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишда қўл келади. Ушбу кўрғазмадан сўнг, албатта, замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган корхоналаримиз сафи янада ортади.

Кўрғазма 4 кун давом этади ва бу ерда тузилган шартнома ва ҳамкорлик келишувлари республикаимиз тўқимачилик саноати ривожига, пахтани қайта ишлашни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар.**  
Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар.



банки, DEMIR Group каби ташкилотлар иштирок этмоқда. Шунингдек, республикаимиз Савдо-санойат палатасининг доимий ҳамкорлари «COSCOM» қўшма корхонаси ва «NORMA-Хамкор» ҳам кўрғазмага ўз стендларини тақдим этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, республикаимизда етиштирилаётган пахта хом ашёси иқтисодиётимиз асоси ҳисобланиб, мамлакатимиз тўқимачилик саноати жуда кенг салоҳият ва имкониятга эга. Буни жорий йилда Ўзбекистонда 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд пахта йиғиштириб олинганидан яққол билиш мум-

кўйган. Ушбу вазифани бажаришда эса замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган корхоналарнинг ўрни каттадир. Шу боис ҳам Янги — 2006 йил арафасида ўтказилаётган ушбу кўрғазма айнан мамлакатда тўқимачилик саноатининг жадал ривожига аҳамият касб этиб, соҳага янги техника ва технологияларни жалб этишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган ҳамда аъёнлашган бўлиб қолиши кўзда тутилмоқда.

— Ушбу кўрғазмада Туркия фирмаларида тайёрланган тўқимачилик ва тикув ускуна ва дастгоҳлари, фурнитураларини

## XVI сарфоси

Барча мамлакатлардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

- Тошкентда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва унга риоя этиш борасида Омбудсманнинг давлат ташкилотлари ва нодавлат тузилмалари билан ҳамкорлигининг муҳим вазифалари муҳокамасига бағишланган икки кунлик конференция ниҳоясига етди.
- Кўкон механика заводи жамоаси ҳўжалик юритишнинг замонавий шартларига муваффақиятли мослашмоқда. Жумладан бу ерда илгари хориждан валютага келтирилган етти турдаги бўловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, ўтган йилга солиштирганда тайёрланаётган махсулот ҳажми 66 фоизга ошди.
- Навоий шаҳридаги сўт заводининг бўшаб қолган эски биноси қайта тавмирланди. Швециянинг «Swe Works AB» компанияси иштирокида бу ерда «Қизилқум саховати» консерва заводи ишга туширилди.
- Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги 120 ўринли шифохона қайта тавмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда 150 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.
- Кўкон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Cotton-export» компаниясида трикотаж махсулотларини ишлаб чиқарувчи янги линия ишга туширилган, маҳаллий хотин-қизлардан 500 нафари иш билан таъминланди.
- Капитал реконструкциядан сўнг Қорақалпоғистондаги «Кутанқўл» кишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи 600 ўринли ўқув биноси, 50 ўринли ётоқхона, спорт зали, кутубхона ҳамда фан кабинетларига эга бўлди.

### Жаҳонда

- Гонконгда ўтаётган Бутунжаҳон савдо ташкилоти саммити иштирокчилари 6-вазирлар конференциясидаги декларациянинг хулосавий вариантини қабул қилиши ва бу билан жаҳон савдо-сотик тизимини либераллаштириш ҳақидаги келишувга хайрихолик билдириши.
- Ариэл Шарондан сўнг бўш қолган «Ликуд» партияси раҳбарлигига Исроилнинг собиқ бош вазир Биньямин Нетаньяху сайланди.
- Хитой ялли ички махсулот ҳажми жиҳатидан Италия ортда қолдириб, жаҳонда олтинчи ўринга чиқиб олди.
- Япониянинг «Тойота» корпорацияси 2006 йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 фоизга оширмоқда. Режага кўра келаси йилда 9,6 миллион дона автомобиль чиқарилади.

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШТИРОКИМИЗ МУҲИМДИР

КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифкорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармойишдан келиб чиққан ҳолда шаҳар фаоллари олдига қўйлаётган биринчи галдаги вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Муस्ताқиллик йилларида ҳаётимизга тикланиб бораётган урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қаторида янгиликлар ҳам кириб келди. Ва улар орасида ҳар бир йилни мазмун-моҳияти билан ажралиб турадиган аниқ бир мавзуга бағишлаш анъанаси алоҳида ўрин тутди. Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёл-

лар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Қариylарни қадрлаш йили, Маҳалла йили, Меҳр-муруват йили, Сиҳат-саломатлик йили ва ниҳоят келгуси йил Ҳомийлар ва шифкорлар йили деб ном олди.

Давоми 2-бетда.

### Обуна — 2006

## ДИЛКАШ СУҲБАТДОШНИГИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРТАБА ХОНАДОННИГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обуна-ни расмийлаштиришингиз мумкин.

Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг наشر кўрсаткичимиз — 563. Йиллик наشر баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

Пойтахтимизда Россиянинг «Русский торговый дом» компанияси тақдимоти ўтказилди. Таъдбир Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Россиянинг қатор фирма ва компаниялари вакиллари, таъдбиркорлар ва журналистлар иштирок этди.

## РОССИЯ КОМПАНИЯСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Таъдбирда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида иқтисодий, сиёсий, иجتимоий, маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, ёқилғи энергетикаси каби соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломо Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу йил ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган учрашувида эришилган келишувлар муносабатларимизни янги даражага кўтарди.

«Русский торговый дом» компанияси Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ихтисослашган. Компания раҳбари Роман Эмануиловнинг таъкидлашича, ташкилотнинг юртимизда амалга ошириши режалаштирилган мақсад ва вазифалари кўлами кенг. Энергетика, энгил санат, нефть-газ, тоғ-кон, кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ирригация ва мелиорация соҳаларида қатор қўшма сармоий лойиҳаларни амалга ошириш, товар айирбошлаш ҳамини кенгайтириш, шунингдек, углеводород хомашёси, пахта, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларини етказиб бериш ишлари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш кераки, айни пайтда Россия сармоияси иштирокида тузилган тўрт юздан ортиқ қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик санатига, халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармақларида фаолият кўрсатмоқда.

Россияда эса Ўзбекистон сармоияси билан ташкил этилган 267 қўшма корхона фаолият юритаётган.

Фахриддин АРЗИЕВ,  
ЎзА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Бельгия пойтахти Брюсселда Энергетик хартия шартномасига аъзо мамлакатларнинг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.

Энергетик хартия шартномаси ҳамда протоколи 1994 йил декабрида имзоланган. Ўзбекистон Республикаси унга 1995 йил апрелида қўшилган. Энергетика соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ушбу кўп томонлама битим сармоюрдорлари муҳофаза қилиш, энергетика ресурслари транзити ва савдоси билан боғлиқ сиёсий таваккаллари камайтириш ҳамда рақобатга таянучи энергетика бозорини яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Конференцияда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг энергетика секторидagi сармо муҳити ва бозорининг тузилиши бўйича чуқурлаштирилган баёноти кўриб чиқиш ва ундаги тақлифларни тасдиқлаш анжуман кун тартибидан жой олган масалаларнинг асосийларидан бири бўлди.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистондаги макроиқтисодий аҳвол, тўғридан-тўғри хорижий сармоюрдорлари жалб қилиш, нефть ва газ, электр энергетикаси соҳаларидаги лойиҳалар билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган. Баёнотда айтилишича, мамлакатимизда мавжуд бўлган нефть

ва газнинг бой захиралари, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, энергетика соҳасида яратилган қулай сармо муҳити республикамиз иқтисодиётининг келажақда юқори суръатда ўсишда давом этиши учун яхши замин яратмоқда.

— Ўзбекистондаги сармо муҳити ва мамлакатининг бозорининг имкониятлари ҳолисона баҳо берилган баёнот материаллари энергетика соҳасидаги миллий дастурини ишлаб чиқишда муҳим қадам бўлди. — дея таъкидлади ташкилот бош қотиби Р.Кемпер. — Биз Ўзбекистон ҳукумати энергетика соҳасининг янада кўпроқ хорижий сармо жалб этиши мумкин бўлган жабҳаларига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Ўзбекистон энергетика соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат бўлиб, халқаро энергетика транзит йўналишлари кесилган ҳудудда жойлашган, у биз учун Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор ҳисобланади.

Жамшид МУТАЛОВ,  
«Жаҳон» АА  
Брюссель

## Вайан ҳиноятлари кўри олдидан

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ўзбегим ёшлари» мавзuida маънавий-маърифий таъдбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар ҳамда Давлат божхона кўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган маъруз таъдбирда ҳарбий олий билим юрталарида таълим олаётган курсантлар, талаба-ёшлар, маҳаллалар фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз Президенти Исломо Каримов ташаббуси билан Куролли Кучларимиз тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарсини бермоқда. Миллий армияимизнинг нуфузи янада ортиб, унинг сафарларида хизмат қилиш ёшларимиз учун сўзда эмас, амалда шарафли бурчга айланди.

Бунда ҳарбий хизмати ўтаётган йигитлар учун яратилаётган кенг шарт-шароитлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Куролли Кучларимизга жиддий сино ва танловлардан ўтган йигитлар

саралаб олинмоқда.

Армияда улар ҳар томонлама профессионал ўсиб, жисмонан чиникмоқда, маънавий ва интеллектуал салоҳияти юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 19 апрелида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши, 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мудатли ҳарбий хизмати ўтаётган ҳарбий хизмат-

чиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Кечада санъат усталари, ижрочи ёшлар ва Олий ҳарбий божхона институти «Ўзбегим ёшлари» ансамблининг катта концерти намойиш этилди.

Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири

### Давоми. Боши 1-бетда.

Уларнинг ҳар бирида бу олижаноб анъананинг аси моҳиятини, қолверса, унинг госянини сезиш қийин эмас: инсон — буюқ кадрият, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳамма нарсадан устундир. Шу боисдан кириб келаётган ҳар бир янги йилга ном бериш урфи тантанали равишда — Конституция кўнига бағишланган маросимда эълон қилинади, зеро мамлакатимизнинг ушбу бош қонунчи-

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШТИРОКИМИЗ МУҲИМДИР

Бундай олижаноб анъананинг ташаббускори — давлатимиз раҳбари Исломо Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея номлаш тўғрисида тақлиф қилиб, унинг манқатий аҳамиятига алоҳида ургу берди. «Саховатли ва бегараз Ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дарағида маълум бўлиб, унинг гаму-ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоханг ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас», деб таъкидлади Исломо Каримов. Демак, 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳам инсон омилли устуворликка аҳамият кучади, бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз, эзгу ниятларимиз биричини ўринда бўлиб қолверадди.

Йилгилишда сўзга чиққан ҳар бир шаҳар фаоли кўнглидан кечаётган айнак шу ҳис-туйғуларини ифода этишга ҳаракат қилди.

Фаоллар йилгилишда Ўзбекистон Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармойиши талабларидан келиб чиққан ҳолда 2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабатидан

билан унинг мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган мажмууви ва чора-тадбирларни амалга ошириш дастурини тайёрлаш мақсадида давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари таркибида махсус шаҳар комиссияси ҳам тузилди. Шу билан бирга тайёрланаётган дастурнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, турли соҳа мутахассисларидан иборат бешта илчи гуруҳи таркиби шакллантирилди. Ушбу гуруҳлар Дастур лойиҳаси ишлаб чиқишига оид тақлифларни тўлаш билан шу-

Ҳаққоний ҳуқуқий негизини яратиш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шaroитини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник негизини мунтазам мустаҳкамлаб бериш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, дастурнинг молия манбаларини аниқлаш каби бир қатор муҳим масалалар ўз аксини топади.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бош божкармаси бошлиғи Миралишер Исломов ахборотиغا кўра, келгуси йилда пойтахтда олтинчи йirik соғлиқни сақлаш объектида реконструкция ва қурилиш ишларини қўнлаш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, қўшимча равишда ҳар бир туманда ҳокимликлар ва ҳомийлар кучи билан тиббиёт муассасаларининг моддий негизини ҳам яхшилаш кўзда тутилган.

Алоҳида эътибор тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга қаратилади. Шу мақсадда соҳа мутахассисларини аттестациядан ўтказиш учун махсус комиссия ташкил қилиниши ҳам назарда тутилмоқда. Ушбу жараён натижалари эса Ўзбекистон Президентининг

«Тиббиёт ходимлари меҳнати га ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»га Қарори га мувофиқлаштирилган ҳолда янги тариф тизими бўйича моддий рағбатлантириш ишлари га замин яратилади. Шу ҳам таъкидландики, ушбу йўналишда тиббиёт муассасаларининг тоифасини ҳисобга олган ҳолда алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бунда асосий эътиборни оқумли ва ўта ҳавфли касалликлар шароитида фаолият юритаётган мутахассисларга қаратиш лозимдир.

Шаҳар Меҳнат ва аҳолини иجتимоий муҳофаза қилиш бош божкармаси бошлиғи Бадриддин Камолов тизим таркибидаги мурувват уйлариининг бугунги ҳолати хусусида қисқача тўхталиб ўтди. Маълум бўлишича, ўтган вақт давомида бу муассасаларда босқичма-босқич таъмирлаш ишлари олиб борилган ва ушбу жараён давом этмоқда. Ҳомийлар, шу жумладан айрим халқаро ташкилотлар маблағлари ҳисобига мурувват уйлариининг моддий-техник негизини яхшилашга имкон бўлди. Ҳаққоний ҳолда эса 2-мурувват уйида саховатли инсонлар кучи билан «Япон боғи» лойиҳаси татбиқ этилиши кутулимоқда.

Дастур лойиҳасига аниқ тақлифлар киритиш масалалари муҳокамаси давомида уларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш кераклиғи, хусусан, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми, сарфланадиган маблағлар ва албатта молиялаштириш манбалари кўрсатиб ўтилиши жоиздир. Шунингдек бу борада ҳажимлик ҳамда нодавлат тузилмалари қаторида жамоатчилик вакиллари, бу эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган ҳар бир кишининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш лозимлиғи, бунинг учун жойларда, оммавий ахборот воситалари орқали Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунтириш ишларини йўлга қўйиш аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

## Иқтисоқий

## ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Миллий кадрияларимиз ҳамда шарқона урф-одатларимиз эъзоси бўлган каштачилик буюмлари азалдан фақатгина ҳамюртларимизга эмас, балки хорижлик сайёҳларга ҳам завқ бағишлаб келган.

Шунинг учун бўлса керак, пойтахтимиздаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти чевар ҳамда попопчилик усталари томонидан ҳар бир қатига меҳр қўшиб тикилаётган турли-туман маҳсулотлардаги нақшлар, ўзгача жиллолар кўзни қувнатди. Момоларимиз хунарини эъзозлаб келаётган каштачи чеварлар жорий йилда ҳам 20 хилга яқин янги турдаги маҳсулотларни харидорларга тортиқ этишди. Улар орасида келинликимиз хонадонларини безовчи зардевору палаклар, сўзанаю ёстиқ жилдлари, келин-куёвлар учун зардўзи либослар, турли хил эсдалик совғалари алоҳида аҳамият касб этди. Уларнинг чиройини таъминлашда моҳир чевар ва кашта усталарининг, изланувчан зардўзларнинг ҳиссаси салмоқли.

— Жамоамиз ходимлари ҳар бир маҳсулот устида ишлар эканлар, — дейди бош муҳандис Шухрат Умаров, — бугунги бозор талабидан келиб чиқиб изланадилар. Миллийликка эътибор қаратадилар. Айниқса, Мустақиллик туйғайли ўзлигини англаган ҳамюртларимиз дилга қадриятларимиз эъзоси бўлган маҳсулотларимиз билан янада гурур бағишлагимиз келадди. Ана шу юксак туйғу ҳар бир маҳсулотда акс этишини истаган ҳолда меҳнат қилаймиз.

Жорий йилда корхонада жаҳон давлатларининг байроқлари ҳам тайёрланди.

## ҲУСНГА МОС ЛИБОС

Кўпинча, ҳар бир кишининг эғнидаги либоси унинг ички дунёсидан, дид-фаросатидан дарак беради, деймиз. Бу албатта маълум маънода тўғри.

Аммо, мижозга ярашиқли, хусну тароватига мос либос яратишда қўли гул чеварларнинг ҳиссаси катта. Шу боис ҳам мижознинг кўриниши, дид ва эҳтиёжини инобатга олган чеварлар доимо изланишда, ҳаракатда.

«Азиза Сайфи қизи» хусусий фирмаси чеварлари ҳам бугунги кунда янги либослар яратишни, мижозга намунали хизмат кўрсатишни ўзларининг асл мақсадлари деб билади. Уларга яратилган меҳнат қилиш ва дам олиш шароитлари эса изланишларга, буюртмаларни сифатли ва вақтида адо этишда қўл келади.

— Ўтган йилда Тошкент метрополитени ишчи-хизматчилари учун иш кийимлари тикиб бердик, — дейди корхона раҳбари Азиза Ғуломова. — Жорий йилда ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиш баробарида лицей ҳамда коллежлардан буюртмалар қабул қилдик. Бизнинг асосий мақсадиимиз бирорта мижозни ҳам эътиборсиз қолдирмаслик, меҳнатимиз маҳсулидан барчани мамнун этишдир. Бугунги кунда янги моделдаги кийим-кечакларни харидорга тортиқ етаямиз.

Шарофат БАҲРОМОВА



Жисмоний тарбия ва спорт саломатлик гарови эканлигини ҳисобга олган ҳолда мактабда болаларни спортга ошно қилиш ишларига ҳам катта аҳамият қаратилади. Иккита катта спорт залида барча керакли анжомлар мавжуд бўлса, учинчи кичик зал қўл билан тирмашиб чиқиб-тушиш учун анжом, даволовчи жисмоний тарбия билан шуғулланишга мўлжалланган жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда кечки вақтда ўқувчилар баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси, таэквондо билан шуғулланишлари, рақс бўйича маҳоратларини оширадидлар. Ҳар хил тренажёрларда машқ қилдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 307-мактаб жамоаси 17.500 дан ортиқ рус, ўзбек ва бошқа тиллардаги ўқув-услубий ва бадий адабиётлар ўрин олган ўзининг ажойиб кутубхонаси билан ҳам фخرланиши мумкин. Энг муҳими, шу йилнинг охиригача кутубхона Интернет тармоғига уланади. Моддий-техник негизни янада кенгайтириш мақсадида 2006 йилда ўқув масканида тижорат асосида ўқитишга ихтисослашган 7 та синфни очиш кўзда тутилмоқда.

Фаолият кўрсата бошлаганига атиги 13 йил ўтган бўлса-да, шу қисқа муддат ичида 307-мактаб оёққа туриш, ривожланиш ва ижодий янгиликни юзасидан самарали йўлни босиб ўтди ва ёш авлодга таълим-тарбия бериш борасида ўзига хос ютуқларни қўлга киритди. Мактабда ўқув жараёни ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Таълим жараёнида математика, инглиз ва она тиллари, мусиқа, педагогикани чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу мактабнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, унинг эшиклари то оқшомага қадар ўқувчилар учун очик — зеро бу ерда болалар учун турли фанлардан 62 та бепул тўғарақлар, шунингдек спорт секциялари ишлаб турибди.

## ТЕАТРНИНГ ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ

Мана, бир неча йилдирки, Тошкентда ёш режиссёрларнинг ўқув машғулоти уюштирилмоқда. «Илҳом» театри ижодий гуруҳи ташаббуси билан ташкил этилган бундай маҳорат сабоқларида Марказий Осиё ва Козогистон Республикаларидан келган театрларнинг бўлажак режиссёрлари қатнашмоқда. Эндиликда ёш режиссёрлар ижодий лабораторияси деб эътироф қилинган бу бадий таълимий ўчоқда кўплаб ёш истеъодлар таҳсил қўриб, мустақил ижод сари йўлланма олмақда.

Театрнинг актёрлар студиясида уюштирилаётган машғулотларни олиб бориш учун жойлардан танлиқ театр режиссёрлари тақлиф этилмоқда.

Айни вақтда тингловчилар театр томонидан саҳналаштирилаётган асарларни постановка қилишда ҳам ўз иқтидорларини синаб кўришмоқда.

Мактабдаги 85 нафар ўқитувчиларда бой ҳаётий тажриба ва ёшлик гайрат-шижоатининг ажиб уйғунлигини кўришимиз мумкин. Улардан 20 нафари олий тоифали бўлса, шунчаси биринчи тоифали ўқитувчидир. Ўқув қўлланмалари, турли фанлардан дарсликлар яратишга хисса қўшиб келаётган ўқитувчилар ҳам бор. Жумладан, Г.Дабролинская 5-9 синфлар ўқувчилари учун «Чувство Родины», «Идея национальной независимости» ва «Осно-

нова биология, Дилфуза Холмуродова ўзбек тили ҳамда Денис Кегай ҳуқуқ бўйича етакчилар қаторидан ўрин олишди.

Ўқувчиларнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳам мақташга арзишқилик. Жумладан, ўтган йили «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман босқичида мактаб жамоаси енгил атлетика ва шахмат бўйича биринчи, сузиш мусобақаларида эса иккинчи ўринни эгаллади. Б.Хўжаев эса Бишкекда енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда учинчи ўринни эгаллади. Элпис Халкиди, Роза Валатова, Альбина Мадраҳимовалар баскетбол бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси таркибида республика миқёсидаги мусобақаларда голиб чиқишди.

Мактабда ҳар йили «Йил ўқитувчиси», «Мактаб шарафи — сенинг шарафинг» каби танловлар ўтказилиб, уларда олимпиадалар қатнашчилари ва голиблари тақдирланади. Бундан ташқари, услубий марказлар, фанлар ҳафталиклари, етакчилар йиғинлари, очик эшиклар кўни, «Мактаб юлдузлари» фестивали ўтказиб келинмоқда.

Ўқув муассаси Европа мамлакатларидаги мактаблар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Масалан, шундай ҳамкорлик доирасида германиялик эксперт Хайнц Ван де Линде фаолият кўрсатиб, ўз тажрибаси, ижодий маҳорати ҳамда Фарб мамлакатларида педагогик ишининг ўзига хос хусусиятлари билан ўртоқлашгани ҳолда инглиз тили бўйича сабоқлар берган.

2003 йилда 307-умумтаълим мактаби «Йил мактаби» танловида қатнашиб, шаҳар бўйича голибликни қўлга киритган бўлса, республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаган...

Ҳаётдаги бундай хайрли анъаналар мунтазам давом этиб бораверади.

**Иброҳим СУЛТОНОВ**  
СУРАТЛАРДА: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

## Ўқув тасканларида

# ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ИШЛАР

Ҳамза туманидаги 307-мактаб-мажмуани том маънода мустақил-лигимизнинг меваси сифатида тавсифлашимиз мумкин. 1992 йил сентябрда ўз эшикларини очган ушбу замонавий ўқув муассасаси яхши моддий-техник негизга эга: учта компьютер синфи, ўғил ва қиз болалар учун меҳнат хоналари, иккита йиғилишлар, битта мусиқа зали, катта ошхона ва тиббиёт хонаси замонавий анжомлар билан жиҳозланган.

ва духовности» дарслиklarининг ҳаммуаллифи ҳисобланади. Директор С.А.Бочкарева мактаблар раҳбарлари учун «Совершенствование системы финансирования общеобразовательных школ г. Ташкента путем привлечения внебюджетных средств» ўқув қўлланмасининг муаллифидир. Бир сўз билан айтганда, ушбу ўқув масканининг ахил, -ҳамжихат педагогик жамоаси директор Светлана Бочкарева раҳбарлиги остида ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг замон талабларига жавоб берувчи янги йўналишларини излаб, ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади, доимий изланишдан толмайди.

Муаллимларнинг самарали меҳнатларининг натижаларини эса мактаб ўқувчиларининг турли соҳаларда эришган ютуқлари ҳам яққол исботлаб турибди. Жумладан, 2004 йилда 307-мактаб ўқувчилари турли фанлар бўйича ўтказилган туман олимпиадаларида 9 та биринчи, 14 та иккинчи ва 4 бор учинчи ўринларни эгалладилар. Шаҳар олимпиадаларида эса Кристина Муки-

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш дастури доирасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳам қизиқ уйғотмоқда.

2005 — *Сухат-саломатлик йили*

## КЎЧМА ПОЛИКЛИНИКАЛАР — ҲАРАКАТДА

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган амалий жараёнлар «Кўчма поликлиника»лар орқали ҳам йўлга қўйила бошланди. Биргина Тошкент шаҳри туманларида йил давомида 13 мингга яқин она ва бола тиббий куриқдан ўтказилди. Мутахассис шифокорлар томонидан уюштирил-

ган давра суҳбатларида эса турли хасталиклар муолажасига оид маслаҳатлар берилди.

«Кўчма поликлиника»ларни зарур доридармонлар билан таъминлашда Германиянинг «АЙЦ инжиниринг ГмБХ» муассасаси ҳам ўз амалий ёрдами берди.

## Иқтисодий

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тошкентдаги «Фотон» акциядорлик жамияти қатор янги техник асбоб-ускуналарга эга бўлди. Шамол ва қуёш қувватининг электр ва иссиқлик энергиясига айлантиришда қўллани-

ладиган қурилмалардан ҳам фойдаланилмоқда.

Даниялик мутахассислар яратган янги технологиялар намуналари ҳам олиб келинди. Бу эса янги хил қурилмалар ишлаб чиқаришда қўл келмоқда.

Қуёш коллекторларидан электр энергиясини олишда ишлатиладиган фото электрлик аппаратларни ишлаб чиқариш бўйича техник тадбирлар қўрилди.

Анвар АББОСОВ

## Санъат

## ИЖОДИЙ ЖАМОА — 20 ЁШДА

Республикада байналмилал ижодий жамоа сифатида ташкил қилинган ансамбллар кўп. «Дуслык» деб номланган театр бадийий ансамбли ҳам ўзининг кўплаб мухлисларига эга.

Республика Байналмилал маданият марказида фаолият кўрсатаётган бу ижодий жамоа ташкил этилганига 20 йил бўлди. Бу вақт ичида ансамбл ўз концерт репертуарини кўплаб жозибадор тароналар билан бойитди. Тарача, ўзбекча, русча рақс ва кўшиқлар ҳам севиб томоша қилинади.

«Дуслык» ансамблининг 20 йиллиги санасига бағишлаб уюштирилган маданий тадбирда ижодий гуруҳнинг бадийий раҳбари, Татаристон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Роиса Баймурзина фаолияти хусусида ҳам илиқ гаплар айтилди.

## ШАХМАТ ЎЙНИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Россия кинотеатрларида «Туркча шахмат ўйни» деб номланган бадийий фильм намойиш қилина бошланди. Шахмат ўйнида тезроқ ҳужумга ўтиш усулини қўллаш жараёни тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу янги картина ўзбек ижодкорлари томонидан суратга олинди.

Унинг постановкачи режиссёри Жаник Файзиев танлиқ театр артисти Ойдин Норбоевнинг ўғли бўлиб, қатор фильмларни яратишга муваффақ бўлди.

Томошабинни ҳаяжонга соладиган бу картинани экранлаштиришда истеъодли санъаткор Пулат Файзиев ҳам режиссёр бўлиб қатнашди.

Мазкур ижод намунаси Тошкентдаги Россия фани ва маданияти маркази ҳузурида янги очилган киноқул дастурига ҳам киритилди.

## МУСИҚАЛИ ПОСТАНОВКА

Болаларга бағишланган мусиқали спектакллар ёш томошабинларда қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бундай ижод намуналари драма театрларида ҳам саҳналаштирилмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар театри ижодий жамоаси ҳам болақайларни хушнуд этиш йўлида изланиб, бу хилдаги спектаклларни саҳналаштирмоқда.

Ўзбек халқ эртаги асосида постановка қилинган наватдаги спектакл «Маликаниннг совғаси» деб номланди. Театрнинг бадийий раҳбари Наби Абдураҳмонов сценарийи асосида тайёрланган бу асар истеъодли ёш режиссёр Гўзал Сулаймонова томонидан постановка қилинди. Янги саҳна юзини қўрган Мазкур спектакл театрнинг Россия бўйлаб қилган ижодий сафари дастуридан ўрин олди.

Акбар АЛИЕВ

Тахририятимизга мактуб йўллаган Сергели тумани, Спутник-16 мавзеси 11-уй, 25-хонадонда яшовчи З.Алтаров ўзлари яшаётган бинонинг бугунги кундаги аянчи аҳоли, улар бирлашган «Коммунал-хамкор» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Валентина Қодированинг лоқайдлиги, коммунал хизмат соҳасидаги камчиликлар ҳақида ҳамда тепа қаватдаги кўшнисиникида қувурлар ёрилиши оқибатида ўз хонадонига etkazилган зарар ва бу зарарни қоплашдаги муаммолар ҳақида баён қилган.

**Мактуб йўлга қолмади**

**ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН**

Кўп қаватли уйда яшашнинг ўзига яраша қонунқоидалари бор. Яқка тартибдаги уйда яшасангиз ён кўшнингизниқанда бирор носозлик бўлса сезмаслигингиз ёки эшитиб ҳам ишингиз бўлмаслиги мумкин. Лекин кўп қаватли уйда бошқачароқ. «Менга нима?» десангиз, 9-қаватдан оққан сув сизнинг 1-қаватингизга ҳам зарар etkazади. Шу боис ҳам кўп қаватли бинода яшовчилар ўз мулклари ҳисобланган уйлари биргаликда барча бирдай асраша, жиддий муаммо ва келишмовчиликлар бўлмайди.

ширкат раиси назорат қилади...

Туман уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Қаҳрамон Бегматовга шикоят ҳақида мурожаат қилдик.

— Уйлarning ҳолати, ширкат раиси ҳақидаги фикрларига келсак ўзингиз кўринг, яшовчилардан сўранг, — деди у. — Лекин ушбу ширкат туманда намуналик қаторида, ширкат раҳбари эса фаолидига билан ажралиб туради.

— 8 та 9 қаватли уйни бирлаштирганмиз, — дейди Валентина Қодирова. — Тўғри, ҳамма ишларимиз «беш» дея олмайман. Лекин ертўлаларимизнинг барчаси куруқ ва тоза, уйлариимизга иссиқлик берилган. 4 та уйимизда капи-мунлар йиғлаб ётибди» дейилган эди-да.

Тўшдан кейин боришимизга қарамай ҳовлилар озода, бу ерда иккита болалар майдончаси мавжуд. Тўғри, майдончадаги айрим темирлар синдирилган (албатта, буни ширкат раиси қилмагандир) бўлса-да, ҳар ҳолда кичиктойлар ўйнаши учун қўлайликлар бор, майдонча четига ўриндиклар ўрнатилган. Айрим уйлarning кириши йўлақлари таъмирланган.

Мактубдаги 11-уйнинг биринчи йўлағидани 20-хонадоннинг кўнғорини босдик. Хонадон эгаси Захро Тўхтаеванинг ширкат ва унинг раҳбари ҳақидаги фикрлари билан қизикдик.

—Мана бир неча йилдирки, биз билан баб-баравар уйлариимиз ободлиги, хонадонимиздаги қўлайликлар ҳақида жон куйдириб келяпти,— дейди онахон.—Бирон муаммомиз бўлса, дарҳол унга мурожаат этамиз. Қўлидан келган ёрдами беради. Шу боис ҳам уни ўзимиз яна қайтадан раисликка сайладик...

—Қачон қараманг ширкат раисимиз Валентина Қодировани иш билан машғул ҳолда учратаман,— дейди 35-хонадон

келадаки, чунки унинг диаметри талабга жавоб бермайди.

Авалл 11-уйнинг ертўласини кўздан кечирдик. Қувурлар жорий таъмирланган, ертўла тоза, сув томчилаётганини кўрмадик. Сўнгра 25-хонадонга таширф буюрдик. Ҳақиқатан ҳам хонадонга жиддий зарар etkazилган. Истеъмолчининг ҳам тушунса бўлади, лекин у бу ҳақда ширкат ходимларини дарҳол огоҳлантириб, айбдорлардан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида далолатнома тузмаган. Тўғри, кейинчалик тегишли масала бўйича Яққасарой туманлароқ фуқаролик судига даяво аризаси билан мурожаат этган бўлсада, салкам тўққиз ойдирки, бирор жавоб берилмади, чора ҳам кўрилмади.

Истеъмолчи охир-оқибат наҳот истаб Сергели туман ҳокимлигига мурожаат этган. У ердаги мутасаддилик ҳам фақат жавоб хати йўллаш билан чекланишган. Ваҳоланки, шикоятни жойига чиқиб ўрганиш, ортиқча сарсонгарчиликка, шикоятчиликка ўрин қолдирмаслик керак эмасмики?..

Афсуски, биз борган кун 25-ҳамда 27-хонадон соҳибларини учрата олмадик. Лекин улар истикомат қиладиган йўлақлар ифлослигидан дилмиз хира торғди. Наҳотки, шу уч-тўртта зиналарни супуриб қўйиш ҳам сансалорлик бўлса?! Ёки бу ҳам ширкат ходимларининг ишимиз? Бу ҳақда уй бошқарувчиси Гүлчехра Қурбоновага мурожаат этганимизда у:

— Айрим яшовчиларга тушунтириб чарчадик, — дейди. Ахир ўз уйингизни ўзингиз асрамасангиз, обод этмасангиз, ким қайғуриши керак, ширкатми? Ширкат бу сизлар, мулкдорларку.

Балки мавзудан бироз четлаб кетгандирмиз. Нима бўлганда ҳам мана шу фикрларни билдиришни лозим топдик. Хулоса қилиб айтганда, «Қарс икки қўлдан чиқади». Шундай экин, ҳамма айбни ширкат ёки унинг раҳбарига қўвермай, яшовчилар ҳам ҳаракат қилиши лозим. Ахир у мулкдорларнинг кўпчилик овози билан сайланган раҳбар, агарда чиндан ҳам ишламаса бошқасини сайлаш тизинг қўлингизда. Лекин ишлаётган, ҳаракат қилаётган одамга ёрдам бермасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса халақат берманг, рўҳини чўктирманг. Ана шунда муаммоларингиз ечим топди, хизмат ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Ширкат раисига ҳам айта-ларинда гапларимиз бор: Тўғри, 316 та хонадон аҳлига бирдай ёқиб қийин, лекин мурожаатларига бирдай муносабатда бўлиш зарур. Ана шунда уларнинг ишончи оқланади.

Бу ерда ширкат раиси ҳам, шикоятчи ҳам ўзича ҳақ. Фирмулоҳазарларимиздан хулоса чиқариш эса ўзларига ҳавола. (Ўз муҳбиримиз)

— Президентимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида шаҳримизда коммунал соҳадаги муаммолар, уларнинг ечими хусусида алоҳида тўхталингилар, — дейди Б.Поёнов. — Юртбошимиз ширкатларга бирлашган кўп қаватли уйлар сонининг камайганиги, ширкатлар сонининг эса ортганини айтиб, бундай ўзгаришлардан мақсад ширкат раҳбарларини номига алмаштириш ёки улар хизмат кўрсатадиган объектлар сонини камайтиришдан иборат бўлиб қолмаслигини ўқтирдилар. «Буларнинг барчаси, аввало, кўп қаватли уйлардаги одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини оширишга, охир-оқибатда аҳолининг оғирини енгил қилишга таъсир ўтказиши даркор», дея таъкидлаб ўтилди.

Шу боис ҳам уюшмаимиз ўз олдидаги мақсад ва вазифаларни адо этар экан, масъулиятни ҳам чуқур қилиб қўлади. Уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолияти аввало мулкдорлар — хонадон эгаларининг ҳамжиҳатлигига, шунинг баробарида улар танлаган ширкат раисининг маҳорати ва ташаббускорлигига, бугунги талабни қай даражада тушунишига, коммунал соҳадан божабарлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ширкатлар сонини кўпайтириб, уларга аъзо бўлган кўп қаватли уйлари икчамлаштириш эканмиз, аҳолининг ўзи танлаган ширкат раислигига номзодларни аттестациядан ўтказишга, муносиб топилганларини эса ўқитишга алоҳида эътибор қаратдик.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мавжуд

**Қарор ва ижро**

**КЎМАКЧИ ВА МАДАДКОРМИЗ**

Республикамиз Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориди уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи, эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаларини ташкил этиш кўрсатилган эди. Албатта, юқоридagi Қарор ижросини таъминлаш мақсадида шаҳримиз туманларида ҳам ана шундай уюшмалар ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, пойтахтимизда деярли барча кўп қаватли турар жой бинолари уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўмағида бошқарилаётгани ва уларга жойлардаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларининг кўрсатаётган мададлари бу йилги куз-қиш мавсумида ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Баҳодир ПОЕВНИНГ юқоридagi қарор ижросини таъминлаш борасида тумандаги кўп қаватли уйларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги гапларини эшитиб бунга яна бир бор амин бўлдик.

45 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари сони 105 тага етди ва ҳозирда ҳам бу иш давомида эттирилмоқда. Чунки мавжуд ширкатларимиздан 9 таси биттадан кўп қаватли уйдан иборат бўлиб, бу ўз самарасини бермоқда. Битта уйдан иборат ширкатнинг афзаллигини кўраётган хонадон эгалари шунга интилиммоқда. Ҳозирда улардан 4 таси рўйхатда турибди.

Авалло, ширкатлар фаолиятларини яхши йўлга қўйишлари учун уларга жоналар, жиҳозлар ажратилди, барчаси телефон билан таъминланди. Мавжуд ва янги ташкил этилган ширкат раислари «Ўзком-мунқувташкелотчи» ўқув марказида ўқитилди. Туманимизда 1306 та кўп қаватли уй бўлиб, энг

асосийси Қарордан сўнг уларнинг ҳолатига, у ерда яшаётган аҳолига шароит ва қўлайликлар яратишга эътибор қўйилди. Шу боис ҳам режа асосида ишлар бажарилди. Агарда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, мавжуд 5203 та кириш йўлагининг 3234 таси тўла таъмирланди, 2208 та темир эшиклар ўрнатилди, 224 мннг квадрат метр том таъмирдан чиқди. Буларнинг барчаси режадагидан анча ортқидир. Болалар ўйин майдончалари бунёд этишга, эскиларини таъмирлашга қаратилган эътибор бугунги кунда фарзандларимизни мамнун этса, бинолар атрофидаги турли хил ўзбошимиз, ноқонуний қурилма ва ўрловларнинг олиб ташланиши, ҳовли ва йўлақларнинг тартибга келтирилиши уйлар чиройини оқди.

Юқоридagi ишларнинг бажарилишида ҳамийлар кўмағидан, яшовчилар мададидан ҳам кенг фойдаланилди. Шундай ширкатларимиз ҳам борки, мана шундай юмушларни ўзлари яшовчилар билан ҳам-жиҳатликда тез ва соз адо этишди. Ҳозирда ушбу уйлар, улардаги шароитлар ҳавас қилғulik. Бунга «Бўз-1» ширкатидagi уйлари мисол келтирса бўлади. Шунингдек, «Хумоюн-замондош», «Олимплар», «Адолат сари», «Бўз-равон», «Халқ хизматида», «Одил-таъмир» сингари ширкатларимиз фаолиятдаги муваффақият аҳолини қувонтирмоқда.

Айни пайтда эса энг асосий эътиборни яшовчилар билан тушултириш ишлари олиб боришга, улардаги боқимандалик кайфиятини бартараф этишга,

Сув — бебаҳо, азиз неъмат. Шу боис ҳам унга «оби ҳаёт» дея таъриф берамиз. Лекин ҳаммаимиз ҳам ана шундай қимматбаҳо неъматнинг қадрига етавермаймиз, исрофгарчиликка йўл қўямиз. Шунинг баробарида айрим истеъмолчилар сувдан қероғича фойдаланадию ҳақини тўлашга келганда эса пули чақиб қолади. Шу боис улар турли баҳоналар топиб тўловдан қочиб юришади. Бу ҳаракатлари билан улар нафақат ўзларига, балки намунали хизматни ташкил этишда, истеъмолчиларга ўз вақтида ва сифатли ичимлик суви etkazиб беришда суvsозларга ҳам панд беришади.

**Хабарингиз борми?**

**ҚИММАТБАҲО ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА**

—Аммо беш кўп баравар эмас,— дейди биз билан суҳбатда «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси бошқарувчисининг сув тақсими масалалари бўйича ўринбосари Шерзод Эффаров. —Албатта, ўз фарзларини унутмаётган, фойдаланилган сув ҳақини вақтида, ҳатто мўлдатдан илгари тўла бораётган интизомли истеъмолчиларимиз ҳам кўпчиликини ташкил этади. Шу боис ҳам бир неча йилдирки, корхонамизда ана шундай истеъмолчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу ҳар йил якунига кўра аънавий тарзда ўтказиб келинаётган қимматбаҳо ютуқлар ўйинидир.

—Авалло ушбу ўйин ҳақида ҳам-шаҳарларимизга маълумот берсангиз, улар ўйинда қандай иштирок этишлари мумкин?

—Ушбу қимматбаҳо ютуқлар ўйинимизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда иштирок этиш учун истеъмолчи ҳеч қандай лотерея ҳам сотиб олмайди, ҳеч қимга мурожаат ҳам этмайди. 2005 йил учун сув ҳақини аввалдан амалга оширган, 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига умуман қарзсиз ўтган абонентлар бевосита ўйин иштирокчисига айланади. Шу боис ҳам ўйин иштирокчиси бўлиши истган истеъмолчилар агар ёлларидан кўтарилган бўлса, декабрь ойи охиригача тўловини бажаришлари шарт. Яна бир жиҳатини айтганда бўлсак, 2005 йил якунига кўра ўтказилган ўйинимизда айрим истеъмолчилар икки мартаба иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун кредит шартномаси асосида хонадонларига сувсўз ҳисоблаб-қилиш ўрнатилган истеъмолчилар 100 физ ҳақини тўлаган бўлишлари лозим.

—Иштирокчилар қандай танланади?

—Компьютер орқали абонентлар орасидан қарзи йўқлари ажратилиб, уларнинг уй манзиллари, ҳисоб рақамлари аниқланади. Масалан, шахримизда 550 мингта абонент бор, дейлик. Шунлардан, тахминан 300 минг тасининг интизомли тўловчи эканлиги аниқланади. Уларнинг ҳар бирига тартиб рақамини қўйиб чиқилади. Мана шу ўйин иштирокчиларнинг тартиб рақамлари ва маълумотлар ёзилган дискетни иштирокчилар олдида компьютерга қўйилади. Корхонамиз «Тошкент лотерея» бошқармаси билан шартнома тузган ва ўйинни ўтказишда улар яқиндан ёрдам беришда ва барча қонун-қоидаларига амал қилинади. Бунинг учун ўйин комиссияси тўзилади.

—Қимматбаҳо ютуқлар ўйинида

яшаётган жойларига «Ўз ўйим—ўз мулким» дея қай-қуришларини таъминлашга қаратганмиз. Мавжуд 12 та округда штаблар ташкил этилиб, маҳалла оқсқоллари штаб раиси ҳисобланади. Ҳар кун штабга ширкат раислари, участка назир ва сардор, маҳалла фаоллари, уй ва йўлақбошлар йиғилишга қўлингилар ишлар ва бажарилиши лозим юмушлар ҳақида ахборотга эга бўлишади. Шунингдек, уюшмаимизда ҳар ҳафтада ширкат ҳамда кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилот ва идоралар раҳбарлари билан мулоқотлар ўтказамиз ва катта-катта муаммоларнинг ечимини топишда бу юзма-юз фикрлар қўл келади.

Уюшма раиси сифатида ширкатларга жадал асосида чиқар эканман, биринчи навбатда яшовчилар билан учрашаман, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитаман. Ана шундай учрашувлардан хулоса чиқариб айтаманки, кўп қаватли уйларда ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп, муаммоларимиз ҳам етарли. Лекин уларни эндиликда ўзимиз, ўз куч-гайратимиз билан ширкат ва аҳоли ҳамкорлигида бажара оламиз. Ахир ўйимиз олди ифлослиги, йўлақларимиз қаровсизлиги ҳақида кимгадир шикоят қилмай, ўзимиз бажарсак, обод этсак бўлади-ку. Бу билан ўзимизга, фарзандларимизга қўлайлик яратамиз, ундан барчамиз баҳра оламиз. Уюшмаимизнинг асл мақсади ўз вазифаларимиздан келиб чиқиб ширкатларга энг яқин кўмакчи ва мададкор бўлишидир.

Шарофат ИЛЕСОВА

“Тошкент оқшоми” га жавоб берадилар

**ТАРТИБСИЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ**

Газетамизнинг 2005 йил 11 ноябрь сонидида «Тор жойда томоша» мақоласи эълон қилиниб, унда пойтахтимизнинг Амир Темур хибонидида жойлашган пиедалар ер ости йўлидаги айрим тартиббузарликлар танқид қилинган эди. Ушбу танқидий чиқиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси С.Ибрагимов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди.

«Тошкент оқшоми» газетасида қот этилган мақолада келтирилган Амир Темур хибонидида жойлашган пиедалар ер ости ўтиш йўлининг «Ўзбекистон» меҳмонхонасига чиқиб жойидаги камчиликлар бошқарма томонидан ўрганиб чиқилди. Бу камчиликларни тугатиш борасида шунини маълум қиламизки, шаҳар марказий йўлларини таъмирлаш, сунъий иншоотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, таъмирлаш бошқармаси мақолада ёритилган камчиликларни ўрганиб, бу ерда ноқонуний савдо-сотик билан шуғулланаётган фуқароларнинг ер ости ўтиш жойларидида савдо қилишлари учун Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ва «Экто» ходимлари билан биргаликда иш олиб бормоқда.

Жумладан, бу ерда ноқонуний савдо билан шуғулланаётган шахсларнинг барчаси огоҳлантирилиб, бу борада улардан тилхат олинди. Эндиликда ер ости ўтиш жойларида яна шундай ноқонуний савдо бўл қўйилмаслиги бошқарма томонидан доимий назоратга олинган.

Шарофат БАХРОМОВА

**УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР**



**Ширкат — ибрат**  
**ИЗДАГАН ИМКОН ТОПАДИ**

Кўп қаватли уйда яшовчилар жуда яхши билишади: бу ерда ўзига хос муаммолар бўладики, уни биргина хонадон эгаси эмас, балки биргаликда бартараф этиш, ҳамжиҳатликда бажаришига самара беради. Шу боис ҳам уй-жой мулкдорлари ширкати ташкили, унга хонадон эгалари ўз хоҳишлари асосида бирлашади.

ларнинг барчасига эътибор қаратилди, фирмулоҳазарлар ўртага ташланди ва бир қарорга келинди: «Яшаётган уйлариимиз ўзимизники, уни обод этиш, оила аъзоларимизга қўлайлик яратиш ўз кўлимизда. Фа-тумандаги 44 та кўп қаватли уйни бирлаштирган «Меҳри тўрон» уй-жой мулкдорлари ширкати 6 га бўлинди. Унинг тасарруфидида 7 та уй янги «Авиасоз-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо бўлди. Ширкатга эса яшовчилар бир овоздан илгарини ширкатда катта ушбу лавозимда ишлаган ва аҳоли ишонча ҳар томонлама сазовор бўлган Илхом Худойбергвановни раҳбар қилиб сайлашди.

Албатта, «Меҳри тўрон» туманда энг намунали ширкатлардан санлани боис ҳам, янги ширкат раҳбарига у ерда тўлаган тажрибалари қўл келди. Шу боис ҳам у дастлабки эътиборни яшовчилар билан ҳамжиҳатликка қаратди. Тўғри, аввалги ширкатда уйлар сони бирмунча кўп бўлганлиги боис ҳам ушбу кўп қаватли биноларда айрим муаммолар ечимини топишган, баъзи камчиликлар тугатилмаган бўлиши ҳам табиий ҳол. Шунинг учун ҳам яшовчилар билан умумий йиғилишда бу-

кунларида муаммолари кўпаяди—гоҳ уй исимаиди, гоҳ томдан чаккай ўтади. Шунинг учун ҳам «Авиасоз коммунал» да қишга пухта ҳозирлик қилинди. Ертўладаги барча иссиқ сув қувурлари жорий таъмирланди, носозликлар бартараф этилди, профилактика ва босим сотида ювиш ишлари сифатли бажарилди. Томларда 1900 квадрат метрлик таъмирланди, 5-уйнинг томи тўла капитал таъмирдан чиқарилди. Бу борада шаҳар ҳокимлиги томонидан хом ашё ажратилгани катта ёрдам бўлди.

Ободлик кўнгилдан бошланади, дея беҳизга айтилмаган. Шу боис ҳам ширкатда яшовчиларнинг кўнглига яхши ишлар, жиҳозлар ажратилди билан ободлик руҳи сочилиди. Бугун эса ана шу руҳу ниш уриб йўлак ва ҳовлилар, ширкат ҳудуди, болалар майдончаларининг обод ва серғайиб бўлишида натижасини кўрсатамоқда.

—Худудимизга баҳорда бир келинг,— дейди Илхом Худойбергванов. —Нақ жаннатнинг ўзи. Бу ерда яшовчиларга истироҳат боғининг кераги йўқ. Ҳовлимиз ана шундай боғлардан кам эмас. Барқ уриб ётган дарактлар соғси, болалар майдончалари, анвойий гул кўчатлари одамларимизга завқ-шавақ бағишлади. Ана шунини ҳисобга олиб ҳозирдан гул кўчатлари экишга ташаббуриимиз авжида. Болалар спорт майдончасини қуриш ниятидамыз. Нафақат турманда, балки шаҳримиздаги ширкатлар орасида намунали бўлиш ниятидамыз.

—Йўлақларимизнинг таъмирдан сўнг янаб кетганлигидан биз яшовчилар мамнунмиз,— дейди 7-уйнинг 85-хонадонидан Нина Қазақова. —Эндиликда мана шундай ҳолатини сақлаш, тозаланишга эътибор қаратмоқ ҳар бир яшовчининг бурчидир. Ахир беҳизга «Ўз ўйим—ўлан тўлаш» дейилганга-ку.

Яшовчиларнинг барча саъй-ҳаракатлардан баҳрамандлиги эса ширкат ходимларини янада яхши ишларга қаратилган эътибор, кўрсатилмаётган хизматлар самараси бўлса керак, эҳсаб-секин барҳам топмоқда. Негаки, фойдаланиш харажатлари учун тўланаётган пулларнинг ҳисоб-китобдан ҳар бир мулкдор хабардор бўлиши мумкин. Кейинги у ойда пул йиғимлари 110-115 фоизга бажарилаётганлиги бунга яқин мисолдир.

Айниқса, кўп қаватли уйда яшовчиларнинг қишининг ёгин-сочинли

Хакимжон Солихов олган суратлар.

**Давоми. Боши ўтган сонларда.**

Шу йили камолот аҳлининг раҳбари олижаноб, валийлик паноҳи, тўри йўлга бошловчи улуг тангри иноятини ўзида акс этдирувчи, тангри азиз руҳини пок қилгур шайхулислом Баҳоуддин Умар сидқидилдан Ҳижоз сафарига отланиб, муқаддас Байтуллоҳни таовф қилиш ва пайгамбар алайҳиссалом қабрини зиёрат қилиш учун жўнади. Бир гуруҳ равшан дили кишилар ва бир тўда давлатмандлар у ҳазратга мулозамат бўлиш ихромини белга боғладилар ҳамда ҳаж қилиш ишқи саҳросида шавқ туясига миндилар: мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Асад, мавлоно Саъдулдин Қошғарий, Хожа Зайнуддин Жомий, мавлоно Қутбуддин Заҳирий, мавлоно Шарифуддин Абдулқаҳҳор, мавлоно Тоҳуддин Ҳасан, мавлоно Саъдулдин Фаррух, Хожа Шаҳобуддин Исмоил Ҳисорий, Хожа Абдулқарим Сўфий, устод Давлатшоҳ Жавҳарий ва бошқа мурувватли ҳам тақводор кишилар доруссалтана Хиротдан ва бошқа вилоятлардан иродат юзини у ҳақиқат йўлининг қарвонбошиси қарвони томон қаратдилар.

Ҳазрат ҳоқони саъид, амир Жалолуддин Фирӯзшоҳлар каби у валийликга лойиқ ҳазратга тўла эътиқод қўйган саодатманд кишилар андак тухфа ва арзимас ҳада билан мадад беришга қанчалик интилсалар ҳам, ухдалай олмадилар. Уларнинг барчасига ҳам, «бу юришда ҳиммат назари қаратилган нарса бу муборак сафарнинг дарвишона бир тартибда муняссар бўлишидир» — деб изҳор қилди ва бирон кишидан ҳеч нарсани қабул қилмади.

Валийликга лойиқ ҳазратнинг йўлга чиқиш кунини аниқ бўлгач, ўша кунини илм ва мол, куч ва қудрат жиҳатидан замона аёнлари орасида даврон саромади бўлган фазилатлар эгаси мавлоно Шаҳобуддин Дассон ҳазрат шайхнинг маскани Жағора қариясига таширф буюрди ва «мен замона султонларидан кўпларини яхши соатларда йўлга кузатганман, бугун эса менга бахт ёр бўлсин учун валийлик шорли ҳазратни йўлга кузатман!» — деди. Ҳазрат шайх тахтиравонга кириб йўлга тушди ва Хуросон атрофидан қарвон бўлиб ўнади.

Валийликга лойиқ ҳазрат етиб боргани ҳар бир биёбонда ҳар икки кишига бир туя ва икки қажава тайин қилар эди. Ҳазрат шайхулисломнинг бир саодатманд фарзанди бор эди, яъни тўғри йўлга бошловчи, раҳбарликга лойиқ жаноб Оллоҳ саломат саклагур Шайх Нурулдин Муҳаммад. У ҳақиқатан ҳам у ҳазратнинг содиқ авлоди ва қобил фарзанди бўлиб, ҳамиша ўз улугвор отаси ва замона кутбининг хизматини қулдек бажарар ва умр бўйи у жанобдан таҳқиқ осмонининг кутби бўлиши отасига нисбатан одоблиқни тарқ қилиш воқе бўлмаган эди.

Ҳазрат шайх бу фақирнинг биродари жаноб маҳдумзода мавлоно Шарифуддин Абдулқаҳҳорини ўз ўғлига ҳамроҳ қилиб бир туя ва икки қажава тайинлади. Улуг авлиёлар замона акобирларининг кўплари шу саодатга етишиш орзусида эдилар. Аммо ҳаммага бу давлат муняссар бўлмади ва бу орзуга ҳамма ҳам етиша олмади. Мисра: Ер кимни истайдю кимга томон майл кўргизади. Шундай қилиб ҳазрати Оллоҳи таоло ҳажга бориб келгунча барча биёбонларда бу саодатни менинг акамга насиб этди. Байт:

**Бу қандай бахтиёрликки,  
худо унга  
Саодатли кишилар томон йўл  
кўрсатади.**

Қарвон аҳли манзил ва мароҳилларни босиб ўтганидан, тоғларни орқада қолдириб қумликларни кечгандан кейин Маккаий муъазам ва қабъайи муқаррамнинг муқаддас ҳарамига етдилар: улар шундай кишиларки, сотиш ҳам сотиб олиш ҳам уларни Оллоҳнинг зикридан тутиб қололмайди. Сўнг улар юзинини муқаддас масжидга қаратган /деган оят/ ихромини белга боғлаб, /оятда/ кимки у ерга кирса — ҳавф-хатардан омондидир, дейилган кишилар сафига кирдилар. Тангри учун бу уйда ҳаж қилиш кишиларга вожибдир, деган оят фотиҳаси маросимларинингизни тামомлаган

дан сўнг Оллоҳ зикрига киришинлар ояти хотимасига уланди ва улар барчаси бизга қайтадилар оятининг ҳаммани ўзида тўловчи денгизига чўкди. Бу — улуг бир фазлдир.

У муборак сафарда мулозим бўлган менинг иззатли биродарим жаноб мавлоно Шарифуддин Абдулқаҳҳор қаъба хонаси маҳдида бир қасида ёзган. Масжиди ҳаром ислом жамоати билан тўлган ва ҳазрат шайхулислом Иброҳим алайҳиссалом маҳмида тўла виқор билан ўтирган кунини марҳум акам адаб оёғига тик туриб у қасидасини бошдан оёқ ширин лаҳжаю ёқимли овоз билан ўқиган. Ундан хотиримда сақланган бир неча байтни келтираман. Шеър:

**Ассалом, эй жаноби ҳақнинг  
боргоҳи, ассалом,  
Инсонларнинг қибласи, яратилган  
бандлар ҳусни, барчаннинг  
осойишталик макони!  
Улугворлик боргоҳи! Оллоҳ  
акбар, бу қандай жой?!  
Пайгамбарлар саҳдагоҳи!  
Тангрига мактовлар  
бўлсин, бу неча ум?  
Атрофини таовф қилдилар  
/оятининг/ҳукми  
бу боргоҳ эшигини қуршаган,  
Бу ерга кирганлар —омондадилар**

**Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ**

**«МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА  
МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»**

**АСАРДАН БОБЛАР**

/оят/ бу олий макомнинг  
шаънига айтилган.

**Ислом динининг беш аркони  
доимо бир шоадада  
ҳисобга кирди.**

**Имоннинг етти шарты ва дурри  
батариб терилган.**

**Ҳижозда бу йили ҳар бир  
кишининг ҳисобида бир  
хайрли иш бор,**

**Менинг бу хос номаниннг ёзилган  
йили ҳам «хайри ҳижозийя»  
/844/1440-1441/дир.**

Айтишларича, ўша қасида ўқилган кунийёқ Араб ва Аҷам ҳожилари ундан нусха кўтариб олам атрофларига олиб кетганлар. Маккадан йўлга чиқиб қайтиш асносида ҳожилар Мадинада пайгамбарлик паноҳи ҳазрат Муҳаммад саллоҳи алайҳ ва салламнинг қубба ва боргоҳи, қабр ва хоҳобжини зиёрат қилиш саодатига эришиб, у ҳазратни зиёрат қилиш шарт-шароит ҳам одоб-усулларини бажо келтирдилар.

Шу йили мислсиз н ўй и н, куч-қудрат эгаси бўлган амир Алоуддин Алиқа кўқалтош ўн еттинчи жумод ал-аввалда /14 октябрь, 1440/ вафот тоғди ва Ҳиёбон бетида қурдиргани ўз мадрасаси гунбази остига дафн қилинди. Амирнинг умри тўқсон ёшдан ўтган эди. У оятда мурувватли ва сажий киши бўлиб доимо мазлумлар ва қашшоқларга ёрдам қўлини узатар, агар бирор мазлумга зулм ўтказилаётган бўлса, золим қанчалик эътиборли киши бўлмасин, зулмин тўхтатиш ва дафъ қилишга жиддий киришар эди. Золимлар ва уларни қўлловчилар бу амрлардан кўрқиб титрар ва унинг раъйига хилоф равишда муҳим ишларга киришмас эдилар. Ҳазрати амир зироат ва деҳқончиликга жуда катта майл кўргазар, унинг уруғлик дони минг харвордан! ортик эди. У Миср мамлакатига экин ақилладиган ва унумли ерлар сотиб олди ва у ерларга вақиллар ҳам сарқорлар тайин қилиб, у мавзе ва ерларни обод ва экинзорга айлантирди.

Бир кун ҳазрат ҳоқони саъид ундан Миср вилоятида ер сотиб олганлиги сабабини сўради. Амир Алиқа саволга жавоб бериб: «мен ўлганимдан кейин одамлар: «мирзо Шохруҳнинг бир гуломи бор эди, у Миср вилоятида мулклар сотиб олиб, обод қилган эди», деб эсламоқларини истаيمان!» — деб арз қилди. Мажлис ва давраларда у фахрларини тарзида: «ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўраган ҳазрат Шохруҳни менга топширган» деб сўзлаб юрарди. У мактовли хислатлар эгаси бўлган жаноб қарам ва хайр-саховат эшикларини умид ва мақсад билан келувчи кишиларга ҳамиша очик тутар, дилу жонини мунтазир кишиларни юпантиришу муҳтожларга жон бахш этишга тикган

ҳамда кимки кирмоқни истаса — эшигимиз очик, кимки ёмоқни истаса — нонимиз тайёр /деган мақол/ ишорасига мувофиқ амал қилар ва дарвозабон ҳам ясовулларсиз барчани қабул қилаберар, халойиқ заруратларини бажаришга лозим бўлгани қадр саъй-ҳаракат кўргазар эди.

Марҳум амир бу фоний дунё билан видолашганидан кейин ҳазрат ҳоқони саъид бир неча бор унинг висоқига таширф буюрди, унинг авлодига дилжўйлик кўрсатиб, таъзия билдирди.

**САККИЗ ЮЗ ҚИРҚ  
БЕШИНЧИ  
(1441-1442) ЙИЛ  
ВОҚЕАЛАРИ**

Шу йили маҳди улё Гавҳаршод оқа Самарқанд томон отланди. Бунинг сабаби қуйидагича эди: мирзо Абдулатиф ёшлик чоғидан бошлаб бузургов буюваси бахтли ҳоқоннинг хизматида бўлиб, онҳазрат шахзодани бир неча йил камоли шафқат ва иноят билан тарбият қилди. Бу йилнинг бошида Абдулатиф ижозат сўраб, хафалангандек Самарқандга кетиб қолган, унинг ранжи-ганлиги кўпроқ маҳди улё Гавҳаршод оқадан эди, чунки маҳди улё амирзода Алоуддавлага нисбатан ортик муҳаббати борлиги сабабли, бошқа фарзандларга кўпда илтифот кўргазмас эди. Абдулатиф кетиб қолган, онҳазрат у жигаргўшанинг фироқида кеча-кундуз бетоқат бўлиб ўз муҳтарам ҳарамини Гавҳаршод оқадан ранжиб юрар ва «фарзандимни мендан жудо қилдилар» дер эди. Ифрат шорли маҳди улё мажбурият юзасидан Самарқанд сафарини ихтиёр қилди. У Жайхундан ўтганида, кутиб олиш учун дарё ёқасига келган мирзо Улуғбек куллик ва хизматкорлик маросимларини бажо келтирди ва бузургов волидаси замона Билқиснинг тахтиравонига мулозим бўлиб Самарқандга келтирди. Бу ерда у волидасига подшоҳона пешкашлар тортиди; поклик паноҳидаги маҳди у ерда турган бир қанча мударат давомида саодатманд фарзанд ҳар кунини ўз волидаси хотирини лойиқ бир тухфа ҳам муносиб бир совға билан хушнуд қилиб турди, Хуросонга қайтаётганида эса йўрға отлар ва қимматбахо тухфаларни тақдим қилди ҳамда мирзо Абдулатифга подшоҳона асбоб-жихозлар иноят қилиб, бузургов волидасига мулозимликда жўнатди, кузатиб қўйиш расми бўйича ўзи ҳам сув /Жайхун/ ёқасига келиб, фарзанди билан видолашди. Улар ўн тўртинчи шававолда /25 февраль 1442/ Хиротга етиб келдилар.

Ҳазрат ҳоқони саъид Абдулатиф келганлигидан кўп шод-хуррам бўлди ва яратувчи /Оллоҳ/нинг меҳрибончилиги эвазига шукр айтишни бажо келтириб, эҳтиёжмандли тили билан айтар эди, Байт:  
— Мен дўстимнинг дийдорига қараб кўз очганлигим эвазига  
Эй ишларни ўнғловчи банданавоз,  
сенга шукр айтсам бўлади!?

Шу йили бу варақларни ёзиб тўловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ жаҳон султони /Шохруҳ/нинг фармониға мувофиқ Ҳўрмуз вилояти ва денгиз соҳиллари томон юзланди. Бу дoston, агар дўстлар айбга буюрмасалар ва унинг мутолаасига рағбат кўрсатсалар, тўлиқ тушунтириш ва тафсилотлар билан охирига етказилади, турли-туман ажойибот-ғаройиботлар сўз ипиға терилади, уч йил мударат ичида кечирган ҳолатим ва кўрган кўркинчи воқеаларим батафсил ҳам жамланган ҳолда қайтадан баён қилинади. Сўнг фақир илгари ваъда қилганиға мувофиқ Хуросон, Мовароуннаҳр, Форс, Ироқ ва Ҷазобойжон воқеалари баён қилинади. Фақир умидворки, бу дoston жаҳон билимдонлари назаридан ривож тоғмай ва замона аёнларининг илтифоти оғоби унинг устидан нурлангай. Иншо Оллоҳи таоло!

**Форсчадан Асомиддин УРИНБОЕВ таржимаси.**

<sup>1</sup>Харвор-оғирлик ўлчови, тахм. 300кг.

**Шарқ дурдоналари**



Орадан бир қанча мударат ўтгач, подшо ўлди ва унинг ўрниға акаси тахтаға ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдирш ҳақида бўлди. У рикобдорға деди:

**Тилинг бўлса эди сир  
учун йўлдош,  
Қиличдан узилмас эди  
хаста бош!**

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқиға нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётиға тамға бўлиб босилди.

● Бир киши Мусъаб ибн Забайр олдиға келиб, Аҳнаф ҳақида кўркинчи уйдирма гийбат гапларини гапирди. Мусъаб Аҳнафни қақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баён қилди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончи ва гийбатчилигини айтиб, ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди: «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишончға лойиқдир!» Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда эди, гийбатчининг сўзиға қулоқ солмаган ва уни уйингдан ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

● ХИКМАТ. Бойлик ўткинчи нарсадир. Ақлли киши ўткинчи ҳою ҳавасға берилмайди. Байт:

**Бойлигинг роҳатинг  
бўлса ҳам сенга,  
Фано гўбуридан  
бўлади барбод.**

**Ҳақиқий бойлиқни  
кирит қўлингға,  
Икки кунлик нарса  
учун бўлма шод!**

● Ҷазабсиз кишини синмас киши дейдилар. Мулоим киши шундай кишики, Ҷазаб ўтини жиддуҳад билан танидан чиқара олади. Байт:

**Ҷазаб келса ундан  
енгилмоқ нуқсон,  
Ҷазабин енголган  
ҳақиқий марддир.**

● Маъмун ўз даврида машҳур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: «Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз токи ундан кўпчилик манфаат топсин!» — деди. Олим унга қуйидагиларни айтди: «Киши учун энг фойдали хислат — Ҷазаб келганда ўзини босиш, сукут сақлаб жим туриш, Ҷазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлнинг чиққанда ўзининг бос, бировға фойда келтирмайдиган ва дилин оғритадиган сўзларни гапирма, топширингға қараб харж қил, кимдан ортик чиқим қилсанг ўзгаларға мутоҳ бўлиб қоласан, ўзингға наф келтириб, бировға зарар келтирадиган фойдандан кеч, ишни қаҳру Ҷазаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганингда уларнинг номини ёмонлаб тилға олма. Биров сенга сир айтса, бу сирни ҳар кимға гапириб юрма. Айбингни олдингда айтган ва қулфатда қолганингда ҳамроҳ бўлган кишинингизна дўст деб бил!»

**Тадбирлар**

**БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛДИ**

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти республикамиздаги энг кекса ва фаол инсонпарварлик жамоат ташкилотларидан биридир. Ташкилотнинг ходимлари, фаоллари ва кўнгилдилари Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг етти та тамойиллари: инсонпарварлик, ҳолислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрлилик, ягоналик ва умумийликка амал қилган ҳолда, ёрдамга муҳтож кишиларга имкон қадар беминнат кўмак бериб келади.

Шунингдек, ушбу ташкилот ёш авлоднинг соғлом ўсиши, ўқув юртлири ўқувчиларини санитария-гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам бериш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни ва ҳуқуқий онглариини ошириш бўйича билимларга ўргатиш, факулдада ҳолатлар рўй берганда ўзларини тута билиш ва бошқаларга ҳам ёрдам бера олиш каби қатор хайрли мақсадларда иш олиб боради. Бугунги кунда ушбу ташкилотнинг 80 йиллик байрами жойларда кенг нишонланмоқда.

Кун кеча Мирзо Улуғбек туманида ҳам ушбу кун муносабати билан чиройли байрам дастурхони тўзалиб фаоллар, меҳнат фахрийлари ва ўқувчилар тақдир этилди.


Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти кенгаши раиси Умида Мухамедова, шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси та-

рғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Кўзивой Янғабоев, туман Қизил Ярим Ой жамияти Кенгаши раиси Анаора Ғашева ва бошқалар Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти фаолияти, ўтган 80 йилнинг беиз кетмагани, олиб борилаётган хайрли, савабли юмушлар, аҳолининг ночор, кўмакка муҳтож қатламга кўрсатилаётган беғараз ёрдам, кўнгилли наҳоткорлар ҳақида илиқ фикрларни билдирдилар. Йил давомида намуна кўрсатган фаол аъзоларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Тадбир давомида тумандаги 50,64-мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари ҳам барча йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**  
**СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова**  
**олган суратлар.**



**Муҳра олам**  
**АФРИКАЛИК**  
**МАУГЛИ**

Уганданинг захқаш тропик ўрмонларидан бир болани топиб олишди. Уни тиббиёт кўригидан ўтказган врачларнинг фикрича, бола ўрмонда бир неча йил яшаган. Унга Роберт деб исм қўйишди. Ёши 4—7 яшар. Ўтган ўн ой мобайнида у бирорта ҳам сўз айтмади.

Ҳозир Роберт Компаладаги давлат болалар уйда яшапти. У гоҳида ўтлар, новдаларни чайнайди. Робертнинг юзлари қорамтир, териси эса дағаллашиб кетган. Қадни тик қилиб юриш ёки ўтириш унинг учун анча маҳолдир. Бундан кўра оёқлари букилган ҳолда эгилиб туриш унга афзал. Афтидан бу ёш гўдакни ҳайвонлар ўғирлаб кетган бўлса керак. У Киплнинг ҳикоялари қаҳрамонлари сингари ҳайвонлар орасида кун кечирган.

Кичик Роберт ўзига кийдирилган уст-бошни доимо ечиб ташлашга уринади. Бинобарин, ханузгача у бунга кўника ҳрсил қилолгани йўқ. Доимо оҳиста йғи овозини чиқаради. Хизмат қилувчи ходимлар бошқа болалардаги бундай ҳолларга эътибор ҳам бермаслиги мумкин эди. Болалар унинг ювиниш ва кийинишига ёрдам беришмоқда. У истеъмол қилиш учун олдига қўйган таомларга қўлини ҳам тегизмайди. Фақат меваларни, сабзавот ва маккажўхори бўтқасини олади, ҳолос. Яқинда у қаттиқ шамоллаб қолди. Аммо организмнинг бақувватлиги боис касалликка рўйхуш бермади. Бугунги кунда мутахассислар боланинг одамлар орасидаги ҳаётига қайтишга хусусида аниқ бир нарсга дейишга журъат эта олмаптилар. Врачларнинг барча сазъ-ҳаракатларига қарамай унинг туриш-турмушида ҳали сезиларли ўзгариш аломатлари кўринмапти.

**«ҚОПҚОН»ДА**

Токиодаги бир машина ўғрисиининг «ови» бароридан келмади. У машинани ҳайдаб узоққа қочиб кетолмади. Чунки бензин тугаб қолган эди. Кейин ўзининг барча уринишларига қарамай, янги конструкциядаги химоя тасмасидан чиқиб кетолмади. «Қопқон»га тушган ўғрини ушлаш полицияга айтирли қийинчилик тугдирмади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган "O'ZMATBAA-TA'MINOT" республика корхонаси азининг "O'ZMATBAA-TA'MINOT" масъулияти чекланган жамияти сифатида қайта тузилганлиги ва "O'ZMATBAA-TA'MINOT" республика корхонасига қарашли қарз ва мажбуриятларни тўлалигича қабул қилувчига айлангани эълон қилади. Шикоятлар эълон чоп этилган кундан 1 ой мuddат ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. телефон: 144-60-66.

Одатда ичак санчиги сунъий равишда оқватлантрилаётган ва кўшимча оқват берилаётган 5-8 ойлик болаларда йилнинг иссиқ фаслларида вужудга келади. Ушбу хасталиклар ичак инфекциялари, дисбактериоз қрибатида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Каттароқ ёшдаги болаларда учрайдиган метеоризм (қориннинг дам бўлиши), қориннинг сиқиб оғришлари бола бошидан кечирган турли стресслар оқибатида пайдо бўлган ичак яллиғланиши билан бирга кечади.

Гўдакларда уларнинг оналарини хавотирга ўршиб шифокорга мурожаат этишга мажбур қиладиган яна бир ҳолат — гўдаклар дискинезияси учрайди. Дискинезияга дучор бўлган ёш болаларда ичакларини бўшатишга қаратилган ҳаракатлари 10 дақиқадан 20 дақиқача бориши мумкин. Бунда болалар кучаниб, қичқирадилар. Сўнг, юмшқоқ ёки суяқ кўринишига эга бўлган ахлат ажралади. Бу ҳолат кунига бир неча марта ва ҳаётининг дастлабки ойлари давомида такрорланиб ўз-ўзидан йўқолиши мум-

кин. Мазкур кўринишдаги ич бузилиши боланинг йўғон ичак сфинктерларини бўшатиш орқали қорин ичи босимини камайтира олмаганилиги оқибатида келиб чиқади.

Оқорида кўрсатилган барча ҳолатларда педиатрга мурожаат қилиш лозим. Фақатгина педиатр боланинг безовталанишига олиб келган бошқа, бундан

учирувчи" дамламалар қўлланилади. Болалар ва гўдаклар бор оилаларга укроп суви, мойчак ва арпабодидендан тайёрланган турли чойлар яхши маълум. Улар ичак моторикасини кучайтириб, енгил таъсир кўрсатади. Бироқ, мазкур чойларда фаол моддаларнинг миқдори паст бўлганлиги сабабли бола ушбу суяқликларни кўп ҳажмда ис-

ри ва кориандрнинг суяқ экстрактлари (спиртли экстрактлар) мавжуд ҳамда фаол моддаларнинг миқдори оширилган.

Клиник амалиётда «Карминативум Бебинос» препаратини қўллаган мутахассислар яхши терапевтик натижаларни кайд этишмоқда: биринчидан, буни қабул қилгандан сўнг оёқларнинг томир тортишиши ва йиғининг тўхташи, иккинчидан препаратни қабул қилиш орасидаги вақтларда узоқ мuddатли хотиржам уйку ва оғриқнинг янги хуружларининг йўқолишида намоён бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси «Карминативум Бебинос» препарати кўрсатаётган ижобий таъсирни тасдиқламоқда. Ушбу восита боланинг ёшига қараб қайнатилган сувда аралаштирилиб кунига 3-4 маҳал қабул қилинади. Томчиларда спиртининг миқдори бола саломатлиги учун умуман зарарсиздир. Мазкур препарат диарея аломатлари билан кечадиган касалликларда ҳам тавсия этилади.

**Мухтабар**  
**МАҲАМАДАЛИЕВА,**  
**шифокор**

**Шифокор маслаҳати**

**ГЎДАК НЕГА**  
**БЕЗОВТАЛАНАДИ ?**

Ёш болалар, асосан бир ёшгача бўлган гўдакларни безовталанишига олиб келувчи сабаб ичаклар моторикасининг тақомиллашмаганлиги натижасида вужудга келувчи ичак спазмлари ёки болалар ичак санчиги ҳисобланади. Ичакдаги нарсаларни олдиндан сўрувчи перистальтик кетма-кетлик ҳаракатларининг номувофиқлиги, оқват моддалари ҳаракати йўлида табиий тўсиқлар сони анчага борган сфинктерларнинг бўшатиш ҳолати болаларнинг қоринлари дам бўлиши ва оғриқ пайдо бўлишига олиб келади.

хавфлироқ сабабларни истисно қилиши мумкин.

Кўп ҳолларда метеоризм ва ичак санчиги пайдо бўлганда мойчечак гуллари, зира, укроп уруғлари, қалампирмунчоқ барглари ва шу каби шифобахш ўсимликлардан тайёрланган "ел

теъмол қилиши керак бўлади.

Шулاردан келиб чиқиб ичак санчикларини даволаш учун Дентинокс фармацевтика компанияси (Германия) "Карминативум Бебинос" препаратини ишлаб чиқди. Ушбу зритмада арпабодиден, мойчечак баргла-

лиги учун умуман зарарсиздир.

Мазкур препарат диарея аломатлари билан кечадиган касалликларда ҳам тавсия этилади.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси**  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент Радио-техника касб-ҳунар коллежи, Х.З. Калонов номли Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи, Шайхонтохур Транспорт касб-ҳунар коллежи, Тошкент Саноат касб-ҳунар коллежи, Юнусобод Машинасозлик касб-ҳунар коллежи, 10-касб-ҳунар мактаби, Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи, М.Улуғбек Транспорт касб-ҳунар коллежи ва Чилонзор Матбаа касб-ҳунар коллежларига директор ўринбосарлиги лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича

олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

- 1.Бошқарма бошлиғи номига ариза
  - 2.Тавсиянома
  - 3.Сўровнома
  - 4.Таржимаи ҳол
  - 5.Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси
  - 6.Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
  - 7.Илмий -услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
  - 8.3x4 сантиметр ўлчамли 6 донна фотосурат
- Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.**  
**Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.**

**Спорт**

**ХАЛҚАРО МУСОБАҚАГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК**

Маълумки, 2006 йилнинг 10-28 февраль кунлари Италиянинг Турин шаҳрида қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонишни ният қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари хозирда қишки спорт турлари бўйича ўтказилаётган халқаро беллашуларда иштирок этишмоқда.

Чунинчи, яқиндагина Россиянинг Санкт-Петербург ҳамда Япониянинг Осака шаҳарларида фигурали учиш бўйича Гран-При туркумига кирувчи халқаро турнирларда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашиб, ўз иштирокида яхши натижаларни кўрсатди. Санкт-Петербургдаги мусобақада юртоқдошимиз Анастасия Гимазетдинова аккалик беллашуларида финал босқичига йўлланма олди ва олтинчи ўринни эгаллади. Япониянинг Осака шаҳрида фигурали учиш бўйича ўтказилган турнирнинг жуфтликлар ўртакдаги бахсларида қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Марина Аганина ва Артём Князюков дуэти ҳам олтинчи ўрин соҳиб бўлди.

**БАХТИЁР САҒГА ҚАЙТДИ**

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мохир жимоячиси, Самаранин «Крилья Советов» клуби аъзоси Бахтиёр Ашурматов жиддий жароҳати туфайли жорий йилги муҳим беллашуларни ўтказиб юборгани ҳаммага маълум.

Тажрибали футболчишимиз Германияда малакали шифокорлар кўриги остида узоқ вақт даволаниб яна сафга кайтди. Сўнгги олинган маълумотларга қараганда Бахтиёр Ашурматов «Крилья Советов» жамоаси машгулотларида қатнашиш мақсадида Россияга жўнаб кетди.

**«ПАХТАКОР»-ЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

Жорий йилги мавсумни ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказиб мамлакат чемпионлиги ҳамда, Ўзбекистон Кубогини соҳиблигини кўлга қиритган «Пахтакор» жамоаси аъзолари айни пайтда янги мавсумга тайёргарлик машгулотларини бошлашди.

Дарвоқе, мухлисларга шуни маълум қиламизки Ўзбек Миллий академик драма театрида 23 декабрь кuni мамлакат XIV миллий чемпионати ғолиби — «Пахтакор» жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда футболчишимиз мутасаддилари, «Пахтакор» фахрийлари, мураббийлар, чарм тўп усталари ва жамоанинг мухлислари иштирок этишади.

(Ўз мухбиримиз)

Оила—муқаддас даргоҳ. Шу боис ҳам уни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда ота-оналар фарзандлар олдидаги бурчларини унутиб қўётган бўлсалар, баъзан фарзандлар, ўғил болалар, баъзида қизларимиз энгил-елпи ҳаёт кечириш мақсадида миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга амал қилмай, муқаддас оила шаънига доғ тушириб қўймоқдалар.

**Матновлар**

**ОҚИЛА ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ**

Сир эмас, ҳозирда оилаларда юз бераётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёшларни, хусусан, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилаларда соғлом муҳитни таъминлаш, кишининг маданияти, урф-одатларини ёшлар онгига сингдириш долзарб масала бўлиб турибди. «Камолот» ЕИХ Маркази Кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан эса юқоридаги муаммоларни ҳал этиш йўлида қилнаётган тадбирлар эса албатта самара беради.

Куни кеча шаҳримиздаги 327-мактабда «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида «Қиз-

лар — миллат келажяги» мавзuida уюштирилган кўрик-танлов фикримизнинг аққол далили бўла олади. «Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги» шiori остида ўтказилган ушбу тадбирда «Гулистон», «Шарқ ҳақиқати», Шариф Қозоқов, Беруний ҳамда «Исломоқод» маҳаллаларида истиқомат қилаётган 14-16 ёшли қизлардан беш нафари ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланган учта шарт бўйича ўзаро беллашиди. Шуниси эътиборлики, «Таништирув», «Мазали таом тайёрлаш — менинг бурчим» ҳамда «Мен ўзбек фарзандиман» деб номланган шартлар танлов қатнашчиларининг ишчанлиги, қобилиятлиги, билимдонлиги,

оқилалиги ва лобарлигини яна бир қара исботлади.

—Маълумки, оилада қиз боланинг ўрни бўлакча,—деди «Маҳалла умидлари» маркази раҳбари Гулбаҳор Азимова.—Шу сабабдан ҳам ота-онадан қиз боланинг тарбияси алоҳида масъулият талаб этади. Зехули, фаросатли, доно, пазанда ва билимли қизлар эса оила равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшадилар. Марказимиз ташаббуси билан тез-тез мактабларда, маҳаллаларда, коллеж ҳамда лицейларда қиз бола тарбиясининг аҳамиятига бағишланган тадбирлар уюштириш одатий ҳолга айланган.

Дарвоқе, ушбу тадбирга қизларнинг ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрганликлари маълум бўлди.

Танлов якунида ҳар томонлама билимли, оқила, зукко бўлиб вояга етган Саида Ҳамидова, Дилобар,Муҳитдинова, Умида Назарова, Камола Расулова ва Дилноза Ҳайдароваларга «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши томонидан эскилик совғалари тўхта этилди. Ушбу кўрик-танлов йилгиланларда илиқ таассурот қолдирди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

«Ўт билан ўйнашган ёнади», «Ўт балосидан асрасин», «Олов — тилсиз ёв» нақлларида халқимизнинг асрлардан-асрларга оша сайқалланган донишмандлиги, қадим ва бой тажрибаси мужасамдир. Зеро, олов ибтидоий жамоа даврларидаёқ инсонга дастёр, кўмақдош бўлиш қаторида ўзининг дахшатли қудратини, жиловсиз табиятини намойён эта олганки, одамзод ўтнинг ўчоқда турса, ўзини ейишини, ўчоқдан чиқиб кетса, теваракатрофини, жами жонзотни жизгина қилишини яхши ангаган. Бинобарин, ўтни асраб-авайлашга, унга эҳтиёткорона, масъулиятли муносабатда бўлишга алоҳида эътибор берилган. «Тўқайга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнар» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган, албатта.

«01»

**КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ**

Донишмандлардан бири айтганидек, «битта гугурт чўпи билан мингта музликни эритиш мумкин, бироқ битта гугурт чўпи билан мингта ўрмонни қулга айлантириш ҳам мумкин». Дарҳақиқат, оловга муносабатда ҳушёрликнинг, астойдил назоратнинг ўрни алоҳида. Маълумки, республикамиз ҳудудида ёнгин хавфсизлиги ойлиги кенг қамровда мунтазам ўтказилади. Турли муассасалар, ташкилотлару корхоналар, ўқув юртларида мазкур ойлик доирасида турли тадбирлар ташкил этилади. Зеро, қилчини яланғочлаб келаётган қархотон қишнинг аёзли палласида ёнгин хавфсизлиги масалалари янада долзарб аҳамият касб этади.

Ўзининг мол-мулкни қадрлайдиган инсон моҳиятан ўзгаларнинг ҳам, жамият ва давлатнинг ҳам мол-мулкни асраб-авайлаган бўлади ҳамда ҳонадонидан, квартирасидан чиқиб кетишида электр чироқлари, газ плиталари, электр асбоблари ўчирилган-ўчирилмаганини яхшилаб текшириб қўйишга оdatланади. Афсуски, ушбу хулосани барча юртоқдошларимизга нисбатан ҳам тегишли дея олмаймиз. Оқибати эса маълум — ўз ҳолига ташланган ўт офатга айланади, ёнгин балосидан кўп томонлама катта зарар етказилади. Содир бўлган ёнгин ҳодисаларининг тахлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ўт чиқишига эътиборсизлик, масъулиятсизлик, бепарволик каби салбий хусусиятлар сабаб бўлади. Электр ускуналардан хавфсизлик қоидаларига зид равишда, нотўғри фойдаланиш, электр тармоғидаги зўриқиш туфайли

қиска туташувлар юз бериши, очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, болалардан ўт чиқариши мумкин бўлган ашёларни асрамаслик каби ҳолатлар натижасида чиққан ёнгинлар биноларга, давлатнинг ҳамда фуқароларнинг мол-мулки, энг ачинарлиси инсонлар саломатлигига, ҳаётига катта зарар етказадиги, «кейинги пушаймон — ўзинга душман» деган нақлни эслаб, афсус-надомат чекишдан фойда бўлмаслиги тайин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус қарор ва фармойишларига биноан куни кеча ўз ихтиёсига етган Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ташкилий жиҳатдан зўр уюшқоқлик билан ўтказилганлиги, ушбу тадбир доирасида қўлаб ибратли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мутасадди ташкилотлар, масъул шахслар томонидан ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида бажарилган чора-тадбирларни кенг жамоатчилик, айниқса ўқув-тарбия масканлари хизматчилари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ҳам бежиз эмас, албатта. Зеро, давлат ҳамда халқнинг, масъул идоралар ва кенг жамоатчиликнинг бу борада серқирра ҳамкорлиги, мустаҳкам доимий алоқалари Ватанимиз равнақи, гуллаб-яшнаши, фуқаролар бахт-саодати, фаровонлигини таъминлашга бузилмас пойдевор бўла олиши шубҳасиздир.

**Дилшод АЗИЗОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси 12-ҲЕХО кичик инспектори, сержант

**Мунажжам башорати**

**ИШДАН ҚЎРА ҚЎПРОҚ ЎЙЛАНГ**

22 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНА

Самодаги юлдузлар жойлашиши эмас, балки ўзингизнинг эзгу амалларингиз, ўй-фикрларингиз, олижаноб ҳис-туйғуларингиз ҳамда атрофдагилар билан мурося қила билиш маҳоратингиз келгуси омадларингиз қафолати бўлади.

Кундузги ой билан Тарозу буржида пасайиб борувчи ой тугуни қувватларининг бирлашиши шундан далолат беради. Ой тақвими қонунятларига қўра, бугунги кун кўпчилик билан ўтказиладиган тадбирлар, спорт мусобақалари, саёхат ва сафарлар учун аъло даражада қулай келади.

Қўёш тақвимининг бугунги еттинчи куниди жиддий масъулиятли ва пухта тайёргарлик кўрилган ишлар билан машғул бўлиш тавсия этилади. Узоқ ўлкаларга саёхатлар самарали бўлади. Таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳам омадли бўлиши кутилади.

Мунажжам М. Смирнованинг таъкидлашича, бугунги кун тинч-тотувлик кун бўлиб, жанжаллашиш, уришиш-сўқишиш мумкин эмас. Кимлар биландир ярашиб олиш, кимларнидир кечириш ва эски дўстлар билан муносабатларни тиклаб олиш жуда яхши иш бўлади. Савдо-сотик битимлари, шартномаларни имзолаш учун ҳам бугунги кун омадли ҳисобланади. Нон ёпиш хайрли бўлади.

Қисқичбақа ва Бузоқ буржида тугилганлар ўз куч-қувватларини асраганлари маъқул. Эгизаклар ва Қовғаларнинг ҳаёлпарастлик ва бошқа таъсирларга берилмасликларини маслаҳат берамиз.Кўй буржи фарзандларида уришқоқликка мойиллик намойён бўлади. Шунинг учун улар ичларида юзгача санаб, жўшиб келаётган ғайратларини яратувчилик ишига сафарбар этишларини тавсия қилган бўлардик.

Йидан чиқаётиб, бугун маъдандан ишланган буюмни топиб олсангиз, омаддан келди даяверинг. Лекин бирон жойингизни кесиб олсангиз ёки бирон нарса у ер-бу ерингизга санчила — бу нохушлик аломатларидир. Бугун соч-соқол олдириш мумкин эмас.

Агар эрталаб ҳеч ёстикдан бошингизни кўтара олмасангиз — бу яхши аломат бўлиб, қанча хоҳсангиз шунча ухлайверинг. Мабодо, тушингизда сувени кўрсангиз — бу покланиш ва фаровонликка ишора. Паррандаларни кўриш эса, янги дўстлар орттириш, янги танишувлардан дарақдир.

Бугун оз-оздан, аммо тез-тез овқатланиш керак. Сутли таомлар жуда фойдали бўлади. Бугун томоқ, бўйин ва кулоқлар хасталикларга мойил бўлади. Шунингдек, юрак ва умуртқангизни ҳам эҳтиёт қилинг.

Жиддий —яни қулранг ва қора ранглар бугунги кун руҳига кўпроқ мос бўлади. Еркин рангли либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

**БУГУН:**

- кўпроқ ўқиш билан банд бўлиш, куч-ғайрат талаб этмайдиган ишлар билан шуғулланиш;
- амалиётдан қўра кўпроқ ўй-фикрлаш билан банд бўлиш;
- рўзғор учун зарур ашёларни харид қилиш;
- қийин вазиятларда хизматдошлар, синфдошлар ва тенгдошларингизга мурожаат этиш;
- хар қандай вазиятда ишончли йўқотмаслик;
- компьютер ўйинлари ва қиморга алоқаси йўқ бошқа ўйинларни ўйнаш тавсия этилади.
- Янги ишга қўл урманг: юлдузларга ишонадиган бўлсангиз, улардан фойда кўрмайсиз. Танангиз бўшаганида, қувватингиз қуриётганини ҳис этганингизда ўзингизча шошилинч чоралар кўришга уринманг.

**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассас:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма тўбюк офсет  
узеллида босилган.  
2495 нусxada босилган. Қўроқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жуман кунлари чиқади.  
Напр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги  
почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05  
телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акционерлик компанияси бошқоқмаси,  
Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-ўй.